

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
БУХОРО ВИЛОЯТ БЎЛИМИ
ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ВИЛОЯТ
ВАКИЛЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ
БУХОРО ВИЛОЯТ МАДАНИЯТ БОШҚАРМАСИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
БУХОРО МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

*2020 йил – “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни
ривожлантириш йили”*

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ: ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

*“Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган
мутафаккирлар” шиори остида буюк
аждодларимиз, жумладан, ХХ аср жаҳид адабиёти
намояндалари ҳаёти, ижоди, тараққийпарвар
гоялари тарғиботига бағишланган вилоят
миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари*

2020 йил 15 сентябрь

Бухоро - 2020

Илм-маърифат-бахт-саодат калити <i>М.Каримбердиев</i>	76
Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган мутафаккир <i>Ж.Субхонов</i>	78
Чўлпон - жади́дчилик даври яловбардори <i>Н.К.Ибодова</i>	80
Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган мутафаккир <i>М.Ф. Норова</i>	83
Жади́дчилик - ҳозирги давр буюк ўзгаришлар амалиётининг маънавий асоси <i>Н.Нурматова</i>	87
Фитрат ватанпарварлиги: назарий ва амалий уйғунлик сифатида <i>М.Раҳмонова</i>	94
“Ҳинд сайёҳи” асарининг икки талқини <i>О.Қурбонова</i>	103
Файзулла Хўжаев илм олиш ҳуқуқи масалалари тўғрисида <i>Ш.Ж.Равшанова</i>	106
Фитратнинг “Мухтасар ислом тарихи” асари ҳақида <i>Б.Ахмедов</i>	110
Маһмудхо’жа Behbudiy – serqirra ijodkor <i>L.Ergasheva</i>	112
Ўзбекистонда тарих фани соҳасининг биринчи профессори <i>С.Ражабов</i>	115
<u>ЖАДИД ПЕДАГОГИКАСИ: МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ</u>	
Жади́дчилик ҳаракатида мактаб таълими муаммолари (Элбек асарлари мисолида) <i>Ё.Саидов</i>	120
Жади́д маърифатпарварлари қарашларида таълим-тарбия узвийлиги масаласи <i>Н.Э.Азимова</i>	127
Жади́д мутафаккирлари - маърифат курашчилари <i>О.И.Жабборова</i>	131
Садриддин Айнийнинг педагогик қарашлари <i>Ғ.М.Салимов</i>	134
Ёшлар касб таълими Фитрат талқинида <i>О.Норова</i>	137
Маърифат билан курашишнинг миллий асослари <i>З.Насимова</i>	140
Тарбия-маърифат асоси <i>Ш.Б.Ражабова</i>	143
Жади́дчилик намоёндаларининг таълимни ривожлантиришдаги ўрни <i>Л.Эргашева</i>	147
Миллий мафқурани тарғиб қилишда жади́д мактабларининг ўрни <i>Р.Қиличев</i>	150
Фарзанд тарбиясида ота-она мажбуриятлари <i>М.Д.Пардаева</i>	163

мазкур ғоянинг тўла жорийланиши учун бир қатор амалий ҳаракатлар қилишди.

Жадидчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли миллий таълим шакллантирилди, мактаб таълимнинг мақсади, мазмун-моҳияти тубдан янгиланди. Таълимнинг мақсади, асосан, миллат тараққиёти, юрт озодлигини таъмин этишга қаратилди. Улар томонидан мактаб таълими йўналишида ишлаб чиқилган ғоялар бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар

5. Долимо У. Жадид педагогикаси. –Т.: Фан, 2007. -157 б.
6. Саидов Ё. Жадид бадий асарлари лексикаси: Филол. фан. док. ... дис. -Т., 2018. -277 б.
7. Узоқов Х. Эрк йўлида эрксиз кетган фидойи / Элбек. Танланган асарлар. –Т.: Шарқ, 1999. –Б. 5-20.
8. Элбек. Бошланғич мактабда она тили / Танланган асарлар. –Т.: Шарқ, 1999. –Б. 259-273.
9. Элбек. Ёзув йўллари / Танланган асарлар. –Т.: Шарқ, 1999. –Б. 274-285.
10. Ҳожи Муин. Танланган асарлар (нашрга тайёрловчи Н.Намозова). -Т.: Маънавият, 2005. -175 б.

ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УЗВИЙЛИГИ МАСАЛАСИ

Азимова Насиба Эргашевна

БухДУ доценти

Ҳар бир жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида тарбия масаласи муҳим роль ўйнайди. Бу вазифа бошқа омиллар қаторда оилавий, миллий-ахлоқий нормаларни такомиллаштириш ва уларга қатъий амал қилиш орқали амалга оширилади. Жадидчилик намоёндаларидан Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат ва бошқалар томонидан эълон қилинган қатор мақолаларда тарбия масалалари таҳлил этилади. Уларнинг фикрича, агар оилада соғлом турмуш тарзи устувор бўлиб, фарзанд ҳар жиҳатдан тўғри тарбия топган бўлса, у шубҳасиз, уйда шу ижобий фазилатларни хизмат жараёнига кўчиради, ижтимоий меҳнат фаолиятида кўллайди, натижада жамиятдаги барча муносабатларга таъсир ўтказади. Жумладан, Азимий ўзининг “Таълим ва тарбия” мақоласида бу борада фирқ юритиб шундай

дейди: “Болага она биринчи омил ва мураббийдир. Онани таъсири болага, отани таъсиридан зиёдадур. Чунки она болани бир неча ойлар қони бирла ҳимоялантирур. Ва баъдаз таваллуд саналарча сути бирла парвариш этур. Ва муддатларча оғушимушфиҳонасига тарбия этур.” Дарҳақиқат, она фарзандини дунёга келтирмасидан олдин унинг тарбияси билан шуғулланади.

Жадидчилик ҳаракати намоёндалари мустамлакачилик зулмидан қутулиш учун, энг аввало, оилани ислоҳ қилишдан бошламоқ зарур, деб ҳисобладилар. Уларнинг фикрича, оиланинг асосини тўғри қурмай туриб ва ёш авлодни тўла қонли тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас ва охир оқибатда миллат тақдири унинг оиласи ҳолатига боғлиқ бўлади. Авлоний тарбияни, қадимги ва Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирлари анъаналарига суяниб, учга бўлади: бадан тарбияси, фикр тарбияси, ахлоқ тарбияси. Шулар орасидан ахлоқ тарбиясига алоҳида урғу бериб, уни “инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража бергувчи” тарбия деб баҳолайди. Фазилатларни файласуф-педагог яхши хулқлар, иллатларни эса - ёмон хулқлар деб атайди. Фатонат, диёнат, шараф, хаё сингари мусулмон Шарқи учун анъанавий бўлган фазилатлар шарҳи билан биргаликда Авлоний виждон, Ватанни суймак сингари Туркистон минтақаси учун янги талқинда тақдим этилган фазилатлар ҳақида алоҳида тўхталади. Ватанни суймоқ, лозим бўлса, унинг йўлида жонини фидо этмоқ юксак ахлоқий инсонга хос фазилатдир. Инсон Ватанни танламайди. “Биз туркистонликлар ўз Ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, кумлик иссиқ чўлларини, эскимўлар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди” [1] , - деб ёзади Авлоний. Виждон эса, Авлоний наздида, инсон ниятлари ва қилмишларини акс эттирувчи энг мусаффо ахлоқий кўзгудир, “инсон ақли ва фикрининг ҳақиқий мезони” [2]. Абдулла Авлоний ўз рисоласида “ёмон хулқлар”га - иллатлар таҳлилига катта ўрин ажратади. Миллат тараққиётига энг кучли тўсиқ бўладиган иллатлардан бири сифатида аллома жаҳолатни келтиради, жаҳолатни “инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғи”[3], деб таърифлайди. Авлоний ғазаб,

қандай эришиш кераклигини, балки миллий озодлик, шахсий эркинлик нима-ю, уни қандай қилиб қўлга киритиш мумкинлигини англаб олади. Шу боис мутафаккир-жадид Абдурауф Фитратнинг “Оила” асари Туркистон миллий Уйғонишида бениҳоя катта роль ўйнади, дейиш мумкин. Айни пайтда ушбу китоб ўз аҳамиятини йўқотмагани бежиз эмас, албатта.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлоний А. Танланган асарлар. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: Маънавият. 2006. –б. 54.
2. Муаллифлар жамоаси. Ўрта Осиё педогогик фикр тараққиётидан лавҳалар. Т: Фан., 1996. 277-б.
3. А. Фитрат “Оила” Т.: Маънавият. 200. 4-б.
4. Б. Ҳамидуллаев Фитрат ва жадидчилик. Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2007.
5. Г. Шерматова. Тараққийпарвар ғоялар – маънавиятимиз асосидир. Тафаккур журнали. 1-сон 2007 йил.

ЖАДИД МУТАФАККИРЛАРИ - МАЪРИФАТ КУРАШЧИЛАРИ

Жабборова Ойша Искандаровна
БухТИ доценти

Таълим – инсон билиш фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, индивидуал психик ривожланишни ва билимларни ўзлаштиришни анча тезлаштиради. Ўқитувчи таълим жараёнида фақат билим бериш билан чегараланмайди, балки бу жараёнда ўқитувчи, ўқувчига таъсир кўрсатади. Бу эса, уларнинг билим олишларини янада фаоллаштиради, натижада ўқувчи таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Таълимдаги ютуқлар аввало, ўқитувчига боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир даврда педагог шахсига катта талаблар қўйилади. Жадид мутафаккирлари ҳам таълимнинг шахс камолотидаги ролини яхши тушунганлар ва халқни маърифатли қилишда таълимни асос қилганлар. Таълим хусусида гап кетганда, жадидчилик ҳаракати намоёндалари томонидан ташкил этилган “Усули жадид” мактаблари кўз олдимизга келади. Умуман олганда, жадидчиликнинг пойдевори, тамал тоши “Усули жадид” мактаблари эди. Чунки, мақсад жамиятни янгиламоқ экан, уни янги авлодгина қилиши мумкин эди. Янги авлодни эса, шакллантириш лозим. Эски, анъанавий усулда бу

